

Ўзбекистон ва минтақа

АФҒОНИСТОН ХАЛҚИ –
ТИНЧЛИКСЕВАР ХАЛҚ

Афғонистон – Ўзбекистонга энг яқин, чегарадош давлат. Мамлакатларимиз халқларини нафақат яқин чегара, балки муштарак тарих ва дин, адабий мерос ва ўхшаш анъаналар бирлаштиради. Ўрта асрларда Мовароуннахр ва Хуросонда етишиб чиққан буюк алломалар жаҳон тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшганлар. Қолаверса, Афғонистоннинг Ҳирот шаҳри буюк мутафаккир шоир ва давлат арбоби Мир Алишер Навоий туғилиб вояга етган ва дафн этилган макон. Кобулда эса яна бир теурийода, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур дафн этилган. Бундай мисолларни кўп келтириш мумкин.

MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO
15-16 IYUL, TOSHKENT 2021

Афғонистон бир пайтлар бошқа мамлакатлар, хусусан, Марказий Осиёдаги қўшилари сингари тинч ва осуда юрт эди. Ташқи сиёсат ботида бетарафлик, турли ҳарбий блокларга қўшилмаслик сиёсатига оғишмай амал қиларди. Ер ости бойликлари ҳам оз эмас. Ўтган асрнинг 70-йиллари-гача ажойиб табиий бойлик, ноёб маҳаллий саноат енгил саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан баҳоли кудрат кун кечирарди. Турли миллат ва элат вакиллари ягона осмон остида аҳилликда яшаб келарди.

Ўтган асрнинг 70-йиллари охиридан бошлаб бу мамлакат урушлар ичида ҳаёт кечирмоқда, қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар қурбон бўлди. БМТнинг Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссари тарқатган маълумотларга кўра, ўтган йиллар давомида 5 миллиондан ортиқ афғонлар мамлакатдаги беқарорлик, қарама-қаршилик, ишсизлик туфайли ўз ватанини тарк этиб, муҳожиратга юз тутди. Ўз ватани тараққиётига ҳисса қўшиши мумкин бўлган кўпгина зиёлилар мамлакатдан бош олиб кетди. Бугун афғонлар дунёда энг кўп тарқалган диаспора саналади...

Агар ташқи кучлар, айниқса, дунё сиёсатида етакчиликка даъвогар, ўз геосиёсий манфаатларини бошқалардан устун қўйган давлатлар Афғонистоннинг ички ишларига аралашмаганда эди, бу дийр илгаригидек тинч-осуда ҳаёт кечирарди. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов журналистлар билан суҳбатда қайд этганидек, "ҳақиқатан ҳам, афғон можароси аввалдан икки дунё тизимлари ўртасидаги геосиёсий қарама-қаршиликнинг самараси бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти "уруш олови" афғон халқига ташқаридан олиб кирилганини ва уруш бу халқнинг танлови эмаслигини" очикдан-очик айтди. Ҳозирга қадар йирик куч марказлари ўз манфаатлари йўлида Афғонистонда тўқнаш келмоқдалар. Можарога янги иштирокчиларнинг доимий равишда жалб этилиши афғон низосининг мисли кўрилмаган даражада чуқурлашишига келди". Афсуски, Афғонистондаги беқарорлик нафақат Ўзбекистон ва минтақа, балки бутун дунёга хавф солаётгани аини ҳақиқат.

Мен журналист сифатида бу мамлакатга тўрт марта ижодий сафар қилганман. Афғонистонликлар ўзбекистонликларни алоҳида эҳтиром билан кутиб олади, бизнинг мустақил бўлиб, ривожланиш йўлида қўлга киритаётган ютуқларимизга ҳавас билан қарашади. Жафоқаш афғон халқи биздек тинч-осуда яшашни орзу қилади. Ўзбекларда "қўшнинг тинч – сен тинч" деган мақол бор. Афғон халқида бу мақол шу маънода маълум. Сафарлар асосида афғонлар биз билан суҳбатда йирик-йирик давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар Афғонистон муаммосини муҳокама қилаётганда ва ҳал этиш йўлини излаётганда афғон халқининг сиёсий иродасини, турли этник ва сиёсий-диний гуруҳларнинг қарашларини инobatта олишлари зарурлигини айтишади.

– Бизга, деганди шибиргонлик Оқо Муҳаммад, энди курул-яроғ эмас, қалам, дафтар ва китоб керак!

Ҳақ гап! Барча жамиятларда "Жаҳолатга қарши маърифат" турганида, ҳар қандай мушкулотни ҳал этиш мумкин эди. Аммо афсуски, Афғонистон шароитида ундай бўлмади.

Ўзбекистон бу кўшни дийёрга иқтисодий жиҳатдан бегараз ёрдам беришдан ташқари, унинг муаммосини тинч сиёсий йўл билан ҳал этиш борасида кўп мартаба ташаббус кўрсатиб келган. "6+2" мулоқот гуруҳи йиғилишлари Тошкент шаҳрида ўтказилганидан хабаримиз бор. 2018 йил март ойида Тошкентда Афғонистон бўйича юқори даражадаги тинчлик конференцияси ўтказилди ва унинг якунида "Тошкент декларацияси" қабул қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бундан икки йил олдин, (2019 йил, ноябрь) Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувида "Афғонистон минтақамизнинг узвий бир қисмидир. Ушбу мамлакатга тинчлик ва тараққиёт йўлига қатъий қадам қўйиши учун ёрдам бериш барчамизнинг умумий манфаатларимизга тўлиқ моҳ келади" деб таъкидлаган эди.

ДАВОМИДА

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги олдидан



БАЙРАМГА
ҚУРУВЧИЛАР ТУҲФАСИ

Хозирги синовли кунларга қарамасдан мамлакатимизда кенг қўламли қурилиш ҳамда бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Эллиққалъа ҳамда қўшни туманда қад ростлаётган ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объектлар, замонавий уй-жойлар қурилишида "Тупроққалъа махсус қурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчиларининг муносиб ҳиссалари бор.

Улардан "Қўнғирот сода заводи" унитар корхонаси, Эллиққалъа тумани марказидаги "Элтекс" акциядорлик жамияти, 6 та касб-хунар коллежи, 4 та умумий ўрта таълим мактаби, 6 та мактабгача таълим ташкилоти, "Қамолот уйлари", туман марказидаги кўп қаватли уй-жойлар ва бошқа қатор бинолар мазкур масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилди. Ўз фаолиятини 2009 йилда бошлаган қури-

лиш ташкилотиде бугунги кунда жами 122 нафар ишчи-ҳодим меҳнат қилиб, шундан 40 нафари мавсумий ва 82 нафари доимий иш билан таъминланган. Уларнинг аксариятини ёшлар ташкил қилади. Ишчи ҳодимларнинг самарали меҳнат қилишлари учун корхона раҳбарияти томонидан барча шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, ишчилар икки маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ва узокдан қатновчилар учун бепул ётоқхона мавжуд.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

МФЙлар учун янги бинолар

Янгиқўрғон туманида ҳам маҳаллаларни обод қилиш, маҳалла фуқаролар йиғинлари учун замонавий бинолар қуриш, техника воситалари билан таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Исковот қишлоғидаги "Ғалаба" ва "Машъал" маҳалла фуқаролар йиғинлари учун янги, барча қулайликларга эга замонавий биноларнинг қисқа фурсатда қурилгани фикримизни исботлаб турибди.



Айтиш жоизки, давлат шерикчилик шартлари асосида "Маҳалла ва оила" вилоят бошқармаси ва туман бўлими раҳбарларининг саъй-ҳаракати билан жами 260 миллион сўм эвазига икки МФЙнинг биноси фойдаланишига топширилди. Биноларнинг тез ва сифатли қад ростлашида "Исковот ризқ-рўз барака" масъулияти чекланган жамиятининг Фаррухбек Бобохонов, Акмалхон Бобохонов, Ўлмасбек Устабоев, Жаҳонгир Аҳадов каби фидойи қурувчиларининг ҳиссаси катта бўлди. Би-

ноларга "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва вилоят "Нуронийлар" Кенгашлари томонидан 14 миллион сўмлик мебеллар тўплами ва 6 миллион сўмлик компьютер жамланмаси совға этилди. МФЙ биноларининг очилиш маросимида вилоят "Нуронийлар жамгармаси" раиси, сенатор Икромхон Нажмиддинов, меҳнат фахрийси Хорунхон ҳожи Аюбонов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда инсон манфаатлари йўлида қилинаётган ишлар борасида фикр билдирди. Хорунхон ҳожи

Аюбонов тадбир иштирокчилари ва МФЙлар кутубхонасига ўзининг "Шукроналик неъмат" номли китобини ҳада этди. Илғор қурувчи ва саховатпеша тадбиркорларга туман ҳокимлигининг фахрий ёрлик ва совғалари топширилди. Шу куни вилоят ва туман масъуллари икки маҳаллада яшовчи ҳам таъминланганлар ҳолидан хабар олди ва уларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва мурувват совғаларини топширди. Қамбар ҲАЙДАР Янгиқўрғон тумани

МИЛЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКА:
ЮТУҚ ВА МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан "Миллий журналистика: ютуқ ва муаммолар таҳлили" мавзуда матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ахборот сиёсати ва давлат органларида очикликни таъминлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Ф.Боқиев, ОАВ вакиллари, блогерлар иштирок этди.

Дастлаб Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси О.Усаров мавзу доирасида уюшма амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот берди. Тадбирда давлатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги олдидан "Энг улуг, энг азиз" республика танловини ўтказиш тартиби, унинг йўналиши ҳамда ташкилий масалалари ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, анжуманда мутахассислар томонидан журналист дахлсизлиги масаласига ҳам алоҳида ургу берилиб, журналистик фаолиятни амалга оширишда

соҳа вакиллари дуч келаётган муаммолар, уларнинг фаолиятига тўқинлик қилинаётган ҳолатлар ва бу журналистика ривожига салбий таъсир ўтказётгани ҳақида мулоҳазалар рўй-рост айтилди. Қолаверса, матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари ҳамда муассис муносабати масаласига ҳам тўхталиб, айрим марказий нашрларнинг адади ошгани билан қўллаб-қувватлаш ҳамон иқтисодий ночор аҳволдалиги, айрим вилоят ва туман нашрларининг номигагина чиқётгани, баъзи босма нашрлар эса йил бошидан

бери чоп этилмаётгани хусусида афрофлика фикр билдирилди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "Масъулиятли муассис" ва "Масъулиятсиз муассис" номинацияларини жорий этиш ҳақида таклиф билдирди. Миллий матбуотимизнинг тарихи ва бугунги тараққиёти ҳақида сўз юритилар экан, қарийб юз йиллик тарихга эга, ўз вақтида ўткир фельетонлари, танқидий чиқишлари билан тилга тушган, аммо аини пайтда фаолияти тўхтаган "Муштум" ва "Ўзбекистон матбуоти" журналларини қайта тиклаш зару-

рияти ҳақида сўз юритилди. Анжуманда сўзга чиққанлар миллий матбуотимиз ютуқларини айтиш билан бир қаторда соҳада учраётган муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечимлари хусусида ҳолис фикр билдирди. Тадбирда "Yurida-Nysa" хусусий корхонаси билан тузилмаган меморандум ҳақида маълумот берилди. Бу тузилманинг "Yurida-Online" ахборот-қидирув тизими компьютер дастурининг "Yurida-Matbuot" лойиҳаси Ўзбекистон электрон ҳамда босма оммавий ахборот воситаларида чоп этилган мақолаларнинг электрон матнларини ўзининг базасига жамлаган компьютер дастуридир. Ахборот қидирув-тизимларининг асосий функцияси фойдаланувчи учун зарур ва керакли бўлган ҳужжат

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ
ҚУРБОН
ҲАЙИТИНИ
НИШОНЛАШ
ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимизга хос бўлган инсонпарварлик, меҳр-оқибат, саховат ва ўзаро ҳамжихатлик каби фазилатларни қарор топтиришдаги муҳим аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда миллий-диний қадриятларимизни улуғлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2021 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 20 июль – сешанбага тўғри келиши ҳақида қабул қилган қарорини инobatта олиб, мамлакатимизда 2021 йил 20 июль куни Қурбон ҳайити байрами этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги "2021 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида"ги ПФ-6122-сон Фармонида ўзгартирилган киритиш тўғрисида"ги ПФ-6222-сон Фармони билан 2021 йил 21–22 июль кунлари ҳам дам олиш кунлари сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридеги Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Қурбон ҳайитини карантин талабларига амал қилган ҳолда халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда оила даврасида ўтказиш афзаллиги ҳақида кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2021 йил 13 июль

ёки мақолани тез қидириб топиш бўлганлиги боис "Yurida-Matbuot" ахборот-қидирув тизимининг базасидаги мақолалар электрон расм кўринишида эмас, балки электрон матн кўринишида жамланганлиги сабабли ўзи учун зарур бўлган, қидирилатган мақолани фойдаланувчи базадан мавжуд барча мақолалар ичидан номидаги ёки матнидаги сўз, сўзлар орқали зудлик билан қидириб топиши мумкин. Босма оммавий ахборот воситаларининг бир неча йиллик сонларидаги мақолаларининг бир базадан жамланиши мазкур ОАВ-нинг хусусий электрон архивини яратиш, деган билан баробардир. Шу билан бирга матбуот анжуманида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасига аъзолик масаласига ҳам тўхталиб, уюшмага аъзоликка қабул қилиш шартлари, бу борада қўйилмайдиган талаблар ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, кўпгина фаол журналистларга аъзолик гувоҳномаси ҳамда кўкрак нишонлари топширилди. Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Афғонистонда ҳаёт нормал оқимга киришидан, иқтисодиёти тикланишидан манфаатдормиз.

АФҒОНИСТОН ХАЛҚИ — ТИНЧЛИКСЕВАР ХАЛҚ

(Боши 1-саҳифада)

Ҳа, Ўзбекистон афғон халқига ҳаммиша хайрхоҳ бўлиб, ёрдам бериб келмоқда. Бизнинг Афғонистон билан умумий чегарамиз бор. Биз кўп асрлик муштарак тарихга эгамиз, халқларимиз тақдири бир-бири билан амалга ошириш мумкин, агар, Афғонистон заминидан тинчлик ўрнатилса...

Ўзбекистон афғон халқига ҳаммиша инсонпарварлик ёрдамини етказиб келган. Бир ой олдин бу мамлакатда коронавирус эпидемиясидан азоб чекаётганларга Ўзбекистон минг дона кислород баллонлари юборди. Утган йили ҳам мамлакатимиз раҳбари номидан азғулқатимиз билан коронавирусга қарши курашда зарур бўлган тиббий ниқоблар, ҳимоя комбинезонлари, касалликни аниқлашга ёрдам берадиган тепловизор, пирометрлар, шунингдек, кийим-кечак, ун, ёғ, гуруч ва бошқа маҳсулотлардан иборат инсонпарварлик юки Мозори Шарифга жўнатилди.

Бир нарсани унутмаслик керакки, Афғонистон ҳам Ўзбекистон каби кўп миллилатли мамлакат. У ерда пашту, тожик, туркман, ҳазора, балуҷ ва бошқа халқлар билан бирга кўп миллионли ўзбеклар яшайди. Улар ҳам Афғонистонда кечаётган сиёсий-ҳарбий жараёнлар тинч йўл билан ҳал этилишидан манфаатдор. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқ. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусида ўтказилаётган халқаро конференцияда Афғонистонда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш масаласи энг долзарб масала сифатида муҳокама қилиниши айни ҳақиқатдир.

Шоҳаҳбор САЛИМОВ,
сиёсий шарҳловчи.
Уза

уч йилда минтақадаги интеграция жараёнлари, ҳамкорлик ва дўстона муҳитни яратишда ҳақиқий драйвер эканини исботлади. Барча эзгу режаларни амалга ошириш мумкин, агар, Афғонистон заминидан тинчлик ўрнатилса...

Ўзбекистон афғон халқига ҳаммиша инсонпарварлик ёрдамини етказиб келган. Бир ой олдин бу мамлакатда коронавирус эпидемиясидан азоб чекаётганларга Ўзбекистон минг дона кислород баллонлари юборди. Утган йили ҳам мамлакатимиз раҳбари номидан азғулқатимиз билан коронавирусга қарши курашда зарур бўлган тиббий ниқоблар, ҳимоя комбинезонлари, касалликни аниқлашга ёрдам берадиган тепловизор, пирометрлар, шунингдек, кийим-кечак, ун, ёғ, гуруч ва бошқа маҳсулотлардан иборат инсонпарварлик юки Мозори Шарифга жўнатилди.

Бир нарсани унутмаслик керакки, Афғонистон ҳам Ўзбекистон каби кўп миллилатли мамлакат. У ерда пашту, тожик, туркман, ҳазора, балуҷ ва бошқа халқлар билан бирга кўп миллионли ўзбеклар яшайди. Улар ҳам Афғонистонда кечаётган сиёсий-ҳарбий жараёнлар тинч йўл билан ҳал этилишидан манфаатдор. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳрида "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқ. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусида ўтказилаётган халқаро конференцияда Афғонистонда тинчлик ва барқарорлиқни таъминлаш масаласи энг долзарб масала сифатида муҳокама қилиниши айни ҳақиқатдир.

Шоҳаҳбор САЛИМОВ,
сиёсий шарҳловчи.
Уза

Жорий йилда вилоятимизнинг сувли майдонларида жами 23 минг 375 тонна сара уруғлик дон тайёрлаш белгиланган эди. Ана шу мақсадда танловлар ўтказилиб, 242 нафар фермер хўжаликларининг 6247 гектар ғалла майдонлари уруғлик дон учун танлаб олинди.

УРУҒЛИК ҒАЛЛА ТАЙЁРЛАШ инспекция назоратида

Уруғлик донни ўриб олиш учун алоҳида 24 та юқори унумли комбайн сафарбар қилиниб, уларнинг ҳар бирига 4 тадан жами 96 та юқ ташиш транспортлари ажратилди. Отрядлар шакллантирилди.

Сара уруғлик дон жамғаришда вилоятнинг Ш.Рашидов, Пахтакор ва Зарбдор туманлари ғаллакорлари

алоҳида натижа кўрсатишди. Улар 200-300 тоннадан кўшимча уруғлик дон топширдилар.

Мавжуд уруғлик цехларига қабул қилинган уруғлик дон ишлаб чиқилган йўриқнома асосида уруғлик дон навлари бўйича оралик масофага эътибор берилган ҳолда алоҳида тўсиқлар билан ҳимояланган май-

дончаларга дислокация бўйича қабул қилинаётган.

Уруғлик доннинг навларига тўхтаб қолган бўлса, жамғарилаётган ғалланинг кўпроқ қисмини "Замин-1", "Зимница", "Звезда", "Оқ марварид", "Ёғду", "Дурдона", "Ҳозгон", "Асп", "Яксарт", "Дўстлик" сингари навлар ташкил этади. Шунингдек, супер элита,

элита ва R-1 авлодди уруғликлар ҳам мавжуд.

Дон уруғлари етиштиришни назорат қилиш "Узгроинспекция"нинг туман бўлимлари томонидан амалга оширилди. Назорат тадбирлари довомида аниқланган камчилик ва қонунбузилишларнинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадида тегишли ташкилот ва жойларга 92 та ёзма кўрсатма, 39 та тақдимнома киритилиб, 12 миллион сўмлик маъмурий жарималар қўлланилди.

Қонунбузилишлар юзасидан қонуний қарор қабул қилиш учун судларга 3 та, прокуратура органларига 10 та материал киритилиб, жами 1031 та огоҳлантирув хатлари берилди.

Умирзоқ ХАМДАМОВ,
"Узгроинспекция"нинг
Жиззах вилояти бошқармаси
Ахборот хизмати раҳбари.

БАЙРАМГА ҚУРУВЧИЛАР ТУҶФАСИ

(Боши 1-саҳифада)

Ташкилотда ишловчи ёрдамга муҳтож ходимларнинг оилавий шароити ҳисобга олиниб, фарзандларининг олий ўқув юртларида ўқиши учун шартнома тўловлари тўлаб берилиб, шахсий уй-жой қуришида моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Иш ҳақлари вақтида бериб келинмоқда. Мана шундай шарт-шароитлар натижасида қурувчилар ёзинг жазирамаси, қишинг қаҳратон совуғига қарамасдан, белгиланган объектни ўз вақтида топириштириш йўлида беминнат хизмат қилиб келмоқда. Ўз навбатида, ташкилот қурувчиларининг фидокорона меҳнати давлатимиз томонидан муносиб баҳолашиб келинмоқда.

Бугунги кунда масъулияти чекланган жамият қурувчилари Эллиқалъа, Беруний, Тўрткўл туманларидаги объектларда меҳнат қилмоқда. Шундан Эллиқалъа туманидаги 13-сон мактаб-интернатда қурилиши тугалланмаган 240 ўринли ўқувчилар ётоқхонаси, ўқув корпуси ва ошхона биносидан қурилиш ишлари олиб борилаётган. Бу ерда мазкур қурилиш ташкилотидан ташқари пудратчи "Бўстон обод маҳсул қурилиш" хусусий

корхонаси ҳамда "Пўлат қурувчи" масъулияти чекланган жамиятларидан жами 100 нафардан зиёд қурувчи иштирок этмоқда. Умумий нархи 6 миллиард 272,8 миллион сўм бўлган мактаб-интернати қурилишида масъулияти чекланган жамияти томонидан 3 миллиард 316 миллион сўмлик, ёрдамчи пудратчи ташкилотлар томонидан 773 миллион сўмлик иш бажарилди.

— Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан барча соҳалар каби қурилиш ҳамда бунёдкорлик ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди "Тупроққалъа маҳсул қурилиш" масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи Абат Миришов. — Айниқса, Оролбўйи шаҳар ва туманларида кенг қўламли қурилиш ишлари олиб борилаётган. Бундай имконият ҳамда ғамхўрликдан самарали фойдаланган ҳолда жамоамиз билан барча объектларни ўз муддатига сифатли битказишга ҳаракат қилаямиз. Энг асосийси, биз қураётган ҳар бир бино ва иншоотнинг халқимиз манфаати ва уларнинг фаровон яшашига, юртимиз тараққиётига хизмат қилаётгани ҳар

биримизга гуруҳ ва ифтихор бағишлайди.

Масъулияти чекланган жамияти қурувчилари Тўрткўл тумани "Кўкча" овул фуқаролар йиғини ҳудудидаги сувни чучуқлаштирувчи станцияни ва ичимлик сув тармоқларини реконструкция қилиш ишларини олиб бормоқда.

Бундан ташқари, ушбу тумanning "Отаярт" овул фуқаролар йиғини ҳудудида янгидан ичимлик сув тармоғини тортиш, 29-сонли ва Беруний туманидаги 35-сонли умумий ўрта таълим мактаби биноларини муқаммал таъмирлаш ишлари жадал сурьатларда олиб борилаётган. Ташкилот томонидан бугунги кунда нафақат қурилиш ишлари, балки темир-бетон маҳсулотлари, АҚФА дераза ва МДФ эшиклар ҳам ишлаб чиқарилаётган.

Барча объектлар қурилишини Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топириштириш режалаштирилапти. Бу жамоа қурувчиларининг аҳолига, шу жумладан, иқтидорли ёшларга байрам туҳфаси бўлиб ҳисобланади.

Довуд АБИБУЛЛАЕВ,
Ўза муҳбири.

Хотира муқаддас

Яқинда, ҳаво ҳарорати сўнгги бир юз эллик йил ичида кузатилмаган даражада кўтарилган дамларда ҳамфикр дўстимиз билан "Чимён" санаториясига йўлланма олдик. Хожаназар Ғойибназар ўғли Хувайдонинг зиёратига ҳам анча йиллардан буён бормаган эдим. Республика Касаба уюшмалари Федерациясига қарашли "Чимён" сихатгоҳи анчайин ўзгариб кетибди.



Даволаш бўлими тубдан қайта таъмирланиб, микозлар учун замонавий кулайликлар яратилди. Қўшимча бўлимлар ташкил этилди. Айниқса, уруш ва меҳнат фахрийлари учун алоҳида бўлим очилгани айни мuddао бўлибди. Сихатгоҳда ишловчи тиббиёт ходимларининг айтишича, бу гўшадаги сув шифобахшалиги бўйича нафақат республикамизда, балки жаҳон миқёсида ҳам ажралиб тураётган экан.

Тўртинчи бўлимда дам олаётган кўпни кўрган, тажрибали, мамлакатимиз фаровонлиги, айниқса, қишлоқ хўжалиги тараққиёти йўлида хизмат қилиб обрў-эътибор топан Икромхон ака Нажмиддинов билан учрашиб қолдик. Муолажалардан сўнг у киши турли мавзуларда гурун берди. Икромхон ака ўткир эҳсин, тиниқ хотираси, самимийлиги, устозларига садоқати ва шогирдларига меҳри баландлиги билан бошқалардан ажралиб турадиган элпарвар раҳбарлардан бири. Республика "Нуроний" жамғармасининг Наманган вилояти бўлими раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси сифатидаги хизматларини эътиборга олиб яқинда унга Президент фармони билан "Меҳнат шухрати" ордени берилди.

Анча йиллардан буён Икромхон ака билан бафуржа суҳбатлашиш умидида юрардим. Мени у киши билан деҳқончилик илмининг даргаларидан бири бўлган раҳматли Носиржон ака Отахонов таништирган эди.

Фозилларга хос ҳаёт кечириб, мудом яхшиликларга шошилиб, ўздан гузал хотиралар қолдириб кетган машҳур олим Носир Отахоновнинг ҳаёти, фаолияти ва у ҳақидаги хотиралардан иборат "Чинор шоҳиди" синчалак" китобимни Икромхон акага тортиқ этдим...

Эртаси кун тушлик чоғи Икромхон ака бизни бир чимдим девзирадан тайёрланган ошга таклиф қилди. Дастурхон атрофида жуда маърифатли суҳбат бўлди. Мустақиллик ва ундан кейинги йилларда ҳам аймон ва эътиқод билан эзгу амаллар қилган, илм-маърифат излаб, мол-дунё муҳаббатига вақтичогликка мафтун бўлмасдан, умр йўлида дуч келган машаққат ва адолатсизликларга сабр-тоқат қила олган, эл-юрт ризқини муқаддас қилиб яшаб ўтган инсонлар ҳақидаги хотиралар тилга олинди.

— Сиз Нўмон Омонов ҳақида хотира ёзсангиз яхши бўларди. — дея менга таклиф билдирди Икромхон ака.

— Ниятнинг ҳолислигини қарангки, мен ҳам анчадан бери Нўмон акани хотирлаб бирор нарсани ёзишни ўйлаб юрардим...

Нўмон Омонов. Бу ном мамлакатимиздаги қишлоқ хўжалиги ходимларига, айниқса, Фарғона аҳлига яхши таниш. Мен у билан "Қишлоқ ҳаёти" газетасида ишлаган чоғларим танишган эдим. Ушанда у ҳозирги Қўштепа туманида ишларди. Салобатли, камгап ва қатъиятли раҳбар бўлсада, дилдан гаплашганлар унинг қандай ажойиб инсон бўлганлигини англаб етishi қийин эмас эди. Гарчи иш юзасидан танишган бўлсақда, кейинчалик жуда қадрдон бўлиб қолгандик.

Атрофида садоқатли дўстлари, дўстларидан кўп шогирдлари бор эди. Шундай шогирдларидан бири Республика "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси Қўштепа тумани бўлими раиси Тўлқин Сиддиқов билан устози қабри зиярат қилишга бордик. Йўл-йўлаккай Нўмон ака билан узок йиллар бирга ишлаган Комил Чалабоев ҳам бизга ҳамроҳ бўлди.

Олтириқ туманидаги "Оқмозор ота" қабристонини. Чамаси эллик гектарлар майдондаги тарихи уч асрга борадиган ушбу қабристонга кириверишда масжид бор экан. Масжид ходими билан Нўмон ака дафн этилган жойга бордик. Вақтинг тез ўтишини қаранг-а, ўтганларига ҳам тўққиз йил бўлибди. Нўмон ака оламдан ўтмасидан бирмунча аввал оғир хасталиқдан даволаниб касалхонадан уйига чиққан экан. Марғилолик Тура дада деб ном қозонган Жалолхон Имомов,

ҳам дунёвий, ҳам исломий илм соҳибларидан бири Убайдулло Алихоннов билан Нўмон ака хонадонига бориб анча суҳбатлашиб ўтирган эдик. Ушанда Нўмон акага "насиб этса, сиз ҳақингизда бир китоб ёзаман" деб лутф қилгандим. Орадан шунча сувлар оқиб ўтибди. Бугун ёзилажак китобимизга дебеча ўрнидаги мақолани қоралашга имкон туғилганига шукр. Ҳақиқий инсонларнинг ҳикमतларига

ни фидо қила оладиган ғамхўр инсон эди. — дейди Тўлқинжон. — Асли касби қурувчи бўлганлиги боис туманимизда янгидан бунёд этилган жуда кўп бинолар у кишини эслатиб туради. Қўштепада айланма ҳаракатли йўлни қураётганида, "ҳали одамлар Тошкентдан машинага ўтириб йўлга чиққанда, шу жойни мўлжал қиладиган бўлади", деган эди. Дарҳақиқат шундай бўлди ҳам. Туманимиздаги туғуруқхона

берилиб, шу боғлардан келаётган даромадни таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантиришга қарблар йўлга қўйилган эди. Узок йиллик халқ таълими тизимидagi фаолиятим даврида ўқитувчи-муаллимларни Нўмон ака каби қадрлаган меҳридор, маърифатпарвар инсонни кўрмаганман.

Нўмонжон акани яхши билган меҳнат фахрийси Муҳаммадали Муцаев устозининг одабийлик ҳислатлари ҳақида кўп ибратли воқеаларни гапириб берди. Унинг айтишича, энг оддий касб эгаларини ҳеч қачон эътибордан четда қолдирмай, уларга ҳам моддий, ҳам маънавий кўмак бераётган экан. Айниқса, тумандаги чекка-чекка қишлоқлардаги раҳбарлар эътиборидан четда қолиб кетган оддий касб эгалари бўлган хотин-қизларни байрамларда давраларининг тўрига ўтказиб, уларни қимматбахо совғалар билан тақдирлашни аёнанага айлантиргандини аёллар тез-тез эслаб туришади.

Айтадиларки, қийин тўнинг эскирар, кийдиригнинг эскирмаси... — Эҳтиёжманд, шафқатга муҳтож инсонларга эҳсон-муруввати кучли, саҳийқалб эгаси бўлган устозимизни отамиздек кўрар эдик, илоҳо жойларини жаннатда бўлсин. — дея дуо қилади Муҳаммадали ака.

— Раҳматли отам ва онам беш қиз, икки ўғилни тарбиялаб, ҳаммамизни олий маълумотли қилиб, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашшимиз учун ҳаракат қилиб икковларни ҳам ўтиб кетдилар. — дейди ўғли Абдумуталиб. — Шундай ота-онанинг зуриёти бўлганимиз учун Аллоҳга шукр, деймиз. Фарзанд учун "Отангиз яхши одам эди", "Онангиз яхши аёл эди", деган гапни эшитиш энг катта бахтирдир. Биз шундай бахтиёр фарзандларимиз...

Инсон муқаддас, хотираси абадий. Нўмон ҳожи Омоновнинг хотираси ундан яхшиликлар кўрганлар, меҳр-муҳаббатига сазовор бўлганлар ва у ҳақида ҳаётлик чоғларида мақолалар ёзган биз каби илхомандлари қалби тўридан жой олган.

Бир ижодкор сифатида айтманки, Нўмон ака Омонов одабийлик деб аталмиш ҳаёт мактабининг муаллими эди...

Дилмурод ҚИРГИЗБОЕВ,
Ўзбекистон Журналистлари
Ижодий уюшмаси аъзоси.

Кластер – ягона технологик занжир У корхоналар мажмуасини бирлаштиради

Бугунги кунда, жамят ва давлат ҳаётининг барча соҳалари шиддат билан ривожланаётгани ислохотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгариланишни таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади. Шу боисдан, мамлакатимизда иқтисодий таъминнинг барча жабҳаларида бўлгани каби қишлоқ хўжалигини ҳам тубдан ислох қилиш, соҳага бозор механизмларини жорий этиш, маҳсулотларни қайта ишлаш тизими ва қўшимча қийматни шакллантиришни янада такомиллаштиришда сезиларли натижаларга эришилмоқда. Соҳани ривожлантириш бўйича узоқ истиқболли янги вазифалар белгилаб олинмоқда.



Агрокластерларнинг Ривожланиш Босқичлари

Ўзбекистонда сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида ер ва сув муносабатларини тартибга солиш, экин майдонларидан самарали фойдаланиш, соҳага инновацион технологияларни жорий қилиш, паст ҳосилли пахта ва ғалла майдонларини қисқартириш ҳисобига юқори даромадли, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархини ошириб бориш ҳисобига қишлоқ хўжалиги корхоналарининг молиявий барқарорлиги таъминланмоқда.

Мўминжон Йўлдошев,
"Баҳодир Логон Текстиль" МЧЖ
пахта-тўқимачилик кластери
таъсисчиси, Фарғона политехника
институтининг фахрий профессори.



Маълумки, 2020 йил 4 феврал куни Президент ишторикидаги йиғилишда кластерлар фаолиятини ривожлантириш, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиш масалалари муҳокама қилиниб, мамлакатда аграр соҳани ислох қилиш, унга бозор механизмларини жорий этиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Хусусан, кластер усули жорий этилиши натижасида ҳосилдорлик ҳам, даромад ҳам ошаётди. Етиштирилмаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 66 та мамлакатга экспорт қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 23 октябрдаги фармони билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилинди. Унга мувофиқ юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш мақсадида мева-сабзавот кластерларини ташкил этилиши кўзда тутилди. Шунингдек, 2021 йилда озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича давлат сисемасини ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўналишида шаклланди. Қўрилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йиғиб-териб олишда мажбурий меҳнатга жалб этиш ҳолатлари кузатилмади. Кластер тизимини жорий этиш, замонавий иссиқхона хўжаликларини яратиш ва томорқа хўжалиги амалиётини кенгайтириш нафақат ҳосилдорликни, балки қишлоқда аҳоли турмуш даражасини сезиларли даражада ошириш имконини берди. Таъбир жоиз бўлса, ушбу янги тузилма ўтган қисқа вақт ичида аграр соҳани ҳаракатлантирувчи етакчи куч – драйверга айланди. 2020 йилда 77 та пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан жами 2 млн. 794 минг тонна пахта хомашёси етиштирилган бўлиб, ўртача ҳосилдорлик 30,1 центнерни ташкил этган. Қолаверса, 78 та пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан шартномада белгиланган ҳосил тўлиқ етиштирилиб, шундан 11 тасида юқори кўрсаткичларга эришилган ёки ўртача 3-8 центнердан қўшимча ҳосил олинган.

Қишлоқ хўжалигидаги кластер усули ерга ишлов бериш, ўсимликларни экиш ва парвариш қилиш, етиштирилган хомашёдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш каби жараёнларни ўз ичига олади. Ушбу ягона технологик занжир корхоналар мажмуасини бирлаштиради, илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштиришга, янги технологияларни амалиётга жорий қилишга имкон беради.

Рақобатбардош пахта маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 14 декабрдаги "Тўқимачилик ва тикувчилик санаятини ривожлантиришнинг жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унинг асосида Вази́рлар Маҳкамаси пахта ва тўқимачилик санаяти ҳамда кластерлар фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Натижада пахтачиликда илгор агротехнологиялар жорий этилиб, кластер корхоналари, кластерлар ва фермер хўжалиқлари замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминланмоқда. Фақатгина 2018 йилнинг ўзига Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 14 та пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилди. Уларда 368 минг тонна пахта етиштирилиб, қайта ишланди. Шу йилда 48 та пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилди. Президентимиз таъкидлаганидек, инновацион технологияларни пахта тўқима-

чилик кластерларига жорий этиш пахта хомашёсидан охириги маҳсулот ишлаб чиқариш билан қўшилган қийматнинг оширилишига сабаб бўлади. Бир кг пахта толаси қайта ишланиб, шундан 2019 йилда 1 трлн 200 млрд сўмлик 14 мингга яқин қишлоқ хўжалик техникаси харид қилинди.

Пахта тўқимачилик кластерлари усуналар, инновацион технологиялар сотиб олишда 2020 йил 1 январгача божона тўловларидан озод қилинди. Банклар томонидан имтиёзли кредитлар берилмоқда. Ушбу имтиёزلардан фойдаланган ҳолда кластер корхоналари 1400 га яқин замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олдилар.

Албатта, хомашёни эмас, балки тайёр маҳсулотни сотиш ва экспорт қилиш ишлаб чиқарувчига ҳам, давлатга ҳам кўпроқ фойда келтиради. Бунга кластер тизимида эришиш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тақдим этган маълумотга кўра, ўтган йили мамлакатимиздаги 77 та пахта-тўқимачилик кластери томонидан 677,4 минг гектар майдонда 2 миллион тоннадан ортиқ пахта хомашёси етиштирилди. Кластерларга 125 минг гектар ер майдонлари бириктириб берилган бўлса, 552 минг гектарда 16 минг фермер хўжалиги билан фьючерс шартномалари асосида санаят хомашёси етиштирилди. Бунинг учун кластерларга "Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасидан" 4 трлн 114 млрд сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Шунингдек, кластерларнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2,1 трлн сўм йўналтирилиб, пахта хомашёси етиштиришга жами 6,2 трлн сўм маблағ сарфланди.

Пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан жойларда босқичма-босқич замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари паркни яратиш, соҳанинг механизация даражасини ошириш, етиштирилган ҳосилни чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш, маҳсулот етиштиришда банд бўлган аҳолини санаят ва хизмат кўрсатиш тармоқларига ўтказиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалигида иш самардорлигини

ошириш мақсадида техникалар билан таъминланганлик даражасини яхшилаш бўйича жами қиймати 1 трлн 900 млрд сўмлик 16 мингдан зиёд, шундан 2019 йилда 1 трлн 200 млрд сўмлик 14 мингга яқин қишлоқ хўжалик техникаси харид қилинди.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, пахтачиликда сув тежовчи технологияларни жорий қилиш борасида ҳам кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 декабрдаги "Пахта хомашёсини етиштиришда томчилатиб сугориш технологияларидан кенг фойдаланиш учун қўлай шарт-шароитлар яратишга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан 13 та пахта-тўқимачилик кластери томонидан 2753 гектар майдонда томчилатиб сугориш тизимлари жорий этилди. Натижада сугориш учун сув сарфи 40-50 фоизга, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари 30-35 фоизга камайиб, меҳнат унумдорлигини 20-25 фоизга оширишга эришилди.

Кластерлар томонидан минерал ўғитлар ўз вақтида етказиб берилиши натижасида фермер хўжалиқлари талаб қилинадиган мезъорадаги ўғитлар билан таъминланди.

Бугунги кунга қадар пахта тўқимачилик кластерлари томонидан 2 миллион 36 минг тонна пахта хомашёси етиштирилди, 2020 йил давомида қиймати салкам 3 трлн сўмлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилиб, 15 мингга яқин янги иш ўрни яратилди.

Эришилётган натижалар, кластер тизимининг ютуқларини Фарғона туманидаги "Баҳодир Логон Текстиль" пахта-тўқимачилик кластери мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Мазкур кластер жамоаси ўтган йили 17 минг 250 гектар ерга пахта экиб, 50 минг тоннага яқин пахта ялли ҳосилини ишлаб чиқарган, ўртача ҳосилдорлик 28,9 центнерни ташкил этган.

Қўшма корхонада жами 180 та трактор мавжуд бўлиб, улардан унумли фойдаланилмоқда. Қўшма корхонада иккинчи пахта заводи мавжуд бўлиб, биттаси Қува туманида 1 кунда 65 тонна маҳсулот ишлаб чиқаради ва 210 киши иш билан банд бўлиб турибди. Иккинчиси Логон қишлоғида бўлиб, тасарруфида 6 та пахта

та қабул қилиш маскани мавжуд. Пахта тозалаш заводига Туркиянинг "Балкан" фирмасидан станоклар олиб келинган. 2020 йил 10 сентябрда дастлабки пахта қайта ишлаш бошланиб, 2021 йил 10 апрелда тугатилди. Корхонада иш 3 навбатда ташкил қилинган. Ҳар бир навбатда 27 ишчи меҳнат қилади.

Ишлаб чиқариш жараёнида чигитдан 5 хил маҳсулот олинмоқда. Булар тола, момик, линт, улук, чигит ҳисобланади. Бир кунда 80 тонна тайёр маҳсулот – тола ишлаб чиқарилапти.

Қўшма корхонада ҳозирги кунда 500 киши ишламоқда. Улар бир кунда 18 тонна ип маҳсулоти ишлаб чиқармоқда. Бир ойлик кўрсаткич эса 540 тоннага тенгдир. Цехда хориждан келтирилган замонавий машиналар ишлатилмоқда.

Илм-фан ва инновацияни ривожлантириш борасида ҳам корхонада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Уни олийгоҳ, илмий ташкилотлар, тармоқ ва худудлар интеграциясини ривожлантиришга ҳаракат қилаётган фидойи инноватор корхоналардан бири, дейиш мумкин. Кластер жамоаси Фарғона туманининг Логон қишлоғида Германия ва Италия технологиялари асосида "Vody Shoes" пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этди. Қўшма корхона 4,1 гектар майдонга эга бўлиб, унинг умумий қиймати 16 миллион долларни ташкил қилади. Корхонага Италия, Туркия ва Германиядан замонавий усуну ва технологиялар олиб келинган. Логон, Каптархона, Вазиев, Аввал каби қишлоқларда яшовчи ўнлаб ёшлар маҳалли мутахассислар ердимида касба ўқитилди. Энг муҳими, бугун улар бу ердаги замонавий технологияларни бемалоп бошқармоқда.

Корхона маҳсулотлари асосан маҳаллий хомашёдан тайёрланади. Фақат пойабзал таг қисми учун махсус қўшимча Германиядан олиб келинади. Айни пайтда 2 мингдан зиёд иш ўрни яратилган. Уларнинг асосий қисмини маҳаллий ёшлар ташкил этади. Корхонада биринчи босқичда йилига 1 миллион жуфт пойабзал ишлаб чиқарилмоқда. Асосан маҳаллий хомашёдан фойдаланилгани учун таннархи ҳам арзон. Шу боис ички бозорда импорт ўрнини босиб, хорижники билан рақобатлашмоқда. Экспорт мўлжали 12 миллион доллар. Иккинчи босқичда корхона қувватини 2 миллион жуфга етказиш режалаштирилган. Шу мақсадда яқин атрофдаги 18 та маҳалла хотин-қизлари касаначилик асосида ишга жалб қилинади. Натижада 5 мингдан ортиқ аёлларнинг бандлиги таъминланади.

Шу тариқа яқин истиқболда туманининг 18 та худудда "Vody Shoes" корхонасининг кичик, шунингдек, "Bahodir Log" on "Tekstil" МЧЖ ил йигирву корхоналари, Америка ва Туркия технологияси асосида куриб битказилган замонавий пахта қайта ишлаш заводи ҳам ишлайди. Пахта-тўқимачилик кластерига қарашли мазкур корхона йилига 10 минг тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга. Япония, Туркия, Германия ва Швейцариядан усуналар келтирилиб, ип-калава ва мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 480 кишининг бандлиги таъминланган, шундан 300 нафари ёшлардир. Бу биринчи босқич бўлиб, 2022 йилда иккинчи босқични амалга ошириш режалаштирилган. Унинг натижасида 1 минг 800 та янги иш ўрни яратилиб, экспорт салоҳиятини 16 миллион доллардан ошириш мақсад қилинган.

Бугунги кунда кластер раҳбарияти ҳиндистонлик ҳамкорлари билан биргаликда усимлик ёғи ишлаб чиқарувчи завод барпо этишга киришди. Қўшма корхона ишга туширилган, 350 та янги иш ўрни яратилди. Унинг раҳбарлигида кластерга қарашли Фарғона, Қува ва Ёзёвон туманларидаги фермер хўжалиқларида етиштирилган пахта ва ғалла экинларини томчилатиб, ёмғирлатиб сугориш усулини жорий этиш йўлга қўйилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2021 йилда Фарғона вилоятига ташрифлари чоғида ушбу кластер фаолиятини билан ҳам танишиб, тайёр маҳсулотлар нумоналарини кўздан кечирди, корхонада ишлайдиган ёшларни ўқитиш бўйича берган топшириқлари амалга ошаётганидан хурсанд бўлди.

Қайд этиш лозимки, жорий йилда Фарғона политехника институти олимларидан ҳам бир гуруҳи корхонага ташриф буюриб, кластернинг барча корхоналарида бўлди ва ишчи-хизматчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг кайфияти, ишга бўлган муносабати бутунлай ўзгарганлигининг шохиди бўлишди.

Кластер фаолиятини илмий асосда юритишга Фарғона ДФЮ инновацион консалтинг маркази бош илмий ходими, иқтисодий фанлари доктори, профессор Юсуф Додобоев раҳбарлик қилмоқда. Бежирим либослар кийиб, хушқайфиятда ишлаётган бундай инсонларни кўрганда, киши қалбида қишлоққа санаятни олиб кириш, чекка-чекка худудларда замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини бунёд этиш каби хайрли ниятлар, янги-янги инновацион лойиҳаларни рўйга чиқариш истаги жўш уради.



Мўл ҳосил олай десангиз...

➤ **Реклама**

НРК МИКРОЭЛЕМЕНТЛИ СУВДА ЭРУВЧАН АЗОТЛИ-ФОСФОРЛИ-КАЛИЙЛИ КОМПЛЕКС МИНЕРАЛ ЎҒИТИ

Тс 00203849-144:2020

Маҳсулот ёрлиги

НРК 18:7:14+2Mg (Код ТН ВЭД 310 520 1000)
 НРК 18:18:18+3Mg (Код ТН ВЭД 310 520 1000)
 НРК 11:5:22+6Mg (Код ТН ВЭД 310 520 1000)
 НРК 18:6:19 (Код ТН ВЭД 310 520 1000)

Сувада эрувчан НРК микроэлементли ўғити экинлар учун юқори самардорликка эга бўлиб, баҳор ва куз ойларида, тупроқ қайтадан chopиб чиқилганида берилади. Ўсимликларнинг вегетация даврида озиклантириш учун қўлланилади.

Сувада эрувчан НРК – микроэлементли универсал ўғити бутунлай эрувчан ўғит бўлиб, боғ ва томорқаларда барча экинлар учун мўлжалланган. Иссиқхона экинлари, сабзавотлар, мева-реза экинлари ва очиқ тупроқдаги гулларга тавсия этилади. Ўғит сугориш ва баргдан озиклантиришда юқори самарали. Экинларнинг ўсиши ва ривожланиши, томир тизимининг ривожланишини яхшилади. Ўғит таркибига ўсимликларни озиклантириш учун муҳим бўлган барча элементлар қиради. Бу эса ривожланишнинг барча босқичларида ўсимлик эҳтиёжларини қондиради, шунингдек, ҳосил миқдорини

оширади ва сифат кўрсаткичларини яхшилади.

НРК асосий озиклантирувчи моддалар – азот, фосфор ва калийнинг нисбати, шунингдек, иккитамччи озукта моддаси – магний борлиги билан фарқ қилади ва куйидаги ёрликларда ишлаб чиқарилади:

- НРК 18:7:14+2Mg;
- НРК 18:18:18+3Mg;
- НРК 11:5:22+6Mg;
- НРК 18:6:19.

НРК физик-кимёвий хусусиятлари бўйича ушбу жадвалда кўрсатилган талаб ва меъёрларга мувофиқ бўлиши керак:

Кўрсаткич номи	Меъёр			
	НРК 18:7:14+2Mg	НРК 18:18:18+3Mg	НРК 11:5:22+6Mg	НРК 18:6:19
Ташқи кўриниши	Кукун ёки майда кристаллар			
Умумий азотнинг масса улуши (N) куруқ моддада, %	18±1	18±1	11±1	18±1
Умумий фосфатлар масса улуши P ₂ O ₅ куруқ моддада, %	7±1	18±1	5±1	6±1
Калийнинг K ₂ O га қайта ҳисобланганда масса улуши куруқ моддада, %	14±1	18±1	22±1	19±1
Магнийнинг MgO га қайта ҳисобланганда масса улуши %, кам эмас	2	3	6	-
Гигроскопик сувнинг масса улуши %, кам эмас	1,5	1,5	1,5	1,5
Заррачалар ўлчами 1 mm дан кичик бўлмаган фракция масса улуши 1,%, кам эмас	95	95	95	95
Сочилувчанлик, % кам эмас	100	100	100	100
pH сувли эритма масса улуши 10%, кам эмас	3,0	3,0	3,0	3,0

Миқдори ва қўллаш муддати:

Сувада эрийдиган НРК микроэлементли ўғит 1 литр сугориш сувиغا 0,75-1 грамм миқдорда, вегетациянинг бошланғич даврида ва ўсимлик уруғларининг униб чиқиш даврида қўлланилади.

Ҳар бир сугоришда қўллаш тавсия этилади.

Илдиздан ташқари кўшимча озиклантириш: Сувада эрийдиган НРК микроэлементли ўғит 1 гектарга 3-5 кг миқдорда қўлланилади.

Ўғитни баҳорда тупроққа солиш учун тупроқнинг қизишини кўтиш керак. Худудга боғлиқ ҳолда тупроққа солиш даври апрель ёки май ойидан, баъзи бир вилоятларда март ойининг ўрталаридан бошланади. Биринчи ишлов бериш қазиш билан бир вақтда ўтказилади. Миқдори экиладиган кўчат турини ҳисобга олган ҳолда танланади.

Кўчатларни кўчириб ўтказишда қучурчаларга олдиндан 2-4 грамм ўғит солиниб, тупроқ билан аралаштирилади.

Хавфсизлик талаблари: НРК ўғитларини ишлаб чиқариш ва қадоклаш учун мўлжалланган бинолар келтирувчи-тортувчи ва намловчи вентиляция билан таъминланиши керак. НРК ўғитлари билан ишлаш шахсий ҳимоя чораларига мувофиқ амалга оширилиши керак. Эритмалар тайёрлашда истеъмомччи резина қўлқоп кийиши тавсия этилади.

Комплекс ўғит билан ишлаш пайтида чекиш, овқатланиш ёки ичши мумкин эмас.

Ўғит териға тегса, у жойни оқадиган сув билан ювиб ташланг.

Агар у ошқозонга тушса, калий перманганатнинг бир оз пушти эритмасидан бир неча стакан ичиб, қусиб ташланг. Ишдан кейин юз ва кўлларни совун билан ювиб, оғизни чайиш керак.

Қадоклаш: 10 кг оғирлиқдаги НРК микроэлементли ўғит полимер матодан тайёрланган пакет ва коғоз, полиэтилен қопларга жойланади.

Ташиш: НРК микроэлементли ўғитни ташиш авиациядан ташқари ушбу транспорт тури учун амалда бўлган юкларни ташиш қоидаларига мувофиқ, транспорт воситаларининг барча ёпиқ турлари орқали амалга оширилади.

Сақлаш: НРК микроэлементли ўғит, атмосфера ёгинлари ва ер ости сувлари тузишидан ҳимояланган ёпиқ, куруқ ва тоза омборхоналарда сақланади.

Кафолатланган сақлаш муддати: ишлаб чиқарилган кундан бошлаб 12 ой.

АЗОТ (N)

Азот – ўсимликларнинг моддалар алмашинувида муҳим ўрин тутадиган модда ҳисобланади, шунингдек, органик азотли бирикмалар, оксиллар, ферментлар, нуклеин кислоталар, хлорофиллар, алкалоидлар, кўп турдаги витаминлар ва бошқа моддалар таркибига қиради.

Ўсимлик жадал ўсиш даврида, ҳамда вегетатив аъзолари (шоҳ ва барг) ҳосил бўлиш жараёнида азотни кўп миқдорда қабул қилади ва ўзлаштиради.

Ўсимликларга таъсири

Азот билан таъминланганлик ўсиш жараёнини, ўсимликдаги оксил ва бошқа азотли органик бирикмалар синтезининг хажми ва интенсиблигини белгилайди. Азот этишмовчилиги айниқса вегетатив аъзоларнинг ўсишига таъсир кўрсатади. Фотосинтезловчи аппарат - барг ва шоҳнинг азот этишмовчилиги натижасида кучсиз ривожланиши, ўз навбатига, ҳосил берувчи органларнинг шаклланишини чеклайди ва ҳосилдорлиқнинг пасайиши ва маҳсулотдаги оксилнинг камайишига олиб келади.

Азот танқислиги

Асосий белгилари: хлорофилнинг ҳосил бўлишидаги бузилишлар натижасида вегетатив аъзоларнинг ўсиши сустлашиши ва оң-яшил ёки сарғиш-яшил баргларнинг ҳосил бўлиши.

Азот кўплиги

Азот билан ортиқча таъминланиш вегетатив мас-санинг ортиб кетишига, ҳосилнинг камайиши ва сифатининг ёмонлашишига олиб келади. Қанд лавлагининг таркибига шакар концентрацияси пасайиб, шакар олиш жараёнида "зарарли" ндоқсил азотнинг кўпайишига, картошкадаги крахмалнинг камайишига, сабзавот ва полиз экинларида инсон ва ҳайвонлар учун зарарли нитратларнинг йиғилишига олиб келади.

ФОСФОР (P)

Ўсимликларга таъсири

Фосфорнинг органик бирикмалари орасида мураккаб, кўп молекулали, азотли асослардан ташкил топган, углеводлар (рибоза ва дезоксирибоза) ва фосфорли кислотадан иборат - нуклеин кислоталар ўсимликлар ҳаётини муҳим ўрин эгаллайди. Фосфор оксил-липидли хужайралар ҳосил қилувчи, ҳамда турли моддалар сингиланиш нозорат қилувчи фосфатидлар (фосфолипидлар) таркибига қиради. Ўсимликдаги фосфорнинг кўп қисми фитин, ундан ташқари витамин ва турли ферментлар таркибига бўлади.

Фосфор ўсимликдаги қувват алмашинуви ва бошқа турли модда алмашинуви жараёнларида муҳим аҳамиятга эга. У углевод ва азот алмашинувида, фотосинтез, нафас олиш, ҳамда органик моддаларнинг ферментларга бўлиниш жараёнида иштирок этади.

Фосфор танқислиги

Ўсимликлар ёш даврида, яъни уларнинг илдиз тизими етарли даражада ривожланмасдан, кам ўзлаштириш хусусиятига эга даврида фосфор танқислигини сезади. Бунинг салбий таъсири кейинчалик кўп миқдорда фосфор билан озиклантириш жараёнида ҳам тўғирланмайдиган вазиятни келтириб чиқаради.

Шунингдек, репродуктив аъзоларнинг шаклланиш даврида ҳам фосфорли озиклантириш муҳим аҳамият касб этади. Ушбу даврдаги фосфор танқислиги ривожланиши тўхтатиб, ҳосил етилишини секинлаштирилади, ҳосилдорлиқнинг камайишига ва ҳосил сифатининг ёмонлашишига олиб келади.

Фосфор танқислигида ўсимликлар ўсиши тезда қисқариб, уларнинг барглари (аввал четидан, сўнгра

Ўсимликларга элементларнинг таъсири ва аҳамияти

бутун юзаси бўйлаб) қулранг-яшил ёки қизғиш-бинафша тус олади. Донли экинларда тўпланиш ва дон пояларининг ҳосил бўлиши камайди.

КАЛИЙ (K)

Калий ўсимликнинг асосий ривожланиш жараёнларининг бошқарувида қатнашиб, улар ҳаётини муҳим вазифаларни бажаради. Шу жумладан, ферментлар фаолиятини оширади, фотосинтез жараёнида иштирок этади, ўсимлик тўқималаридаги моддаларнинг алмашинувини бошқаради, углевод ва оксил алмашинувида иштирок этади, ўсимликдаги сув балансини бошқаради, ўсимликларнинг стрессларга, жумладан, совуққа, қуроқчиликка, пестицидлар ва касалликларга чидамлигини оширади.

Ўсимликларга таъсири

Калий ўсимликларда турли физиологик функцияларни бажаради. У цитоплазма каллоидларнинг ҳолатига ижобий таъсир кўрсатади, уларнинг сувланишини кўпайтиради, буртиши ва ёпиқоқлигини оширади. Бу эса хужайралардаги моддалар алмашинувини яхшилашга ҳамда ўсимликнинг қуроқчиликка чидамлигини оширишга таъсир этади.

Калий танқислиги айрим метаболик жараёнларнинг бузилишига олиб келади. Натижада ҳосилдорлиқнинг камайиши ва сифатнинг ёмонлашишини юзага келади. Калий ўсимликларнинг совуққа чидамлигини, хужайралардаги осматик босимнинг кўпайиши ва улар

таркибигади шакарнинг кўтарилиши ҳисобига оширади.

Калий билан етарли озикланишда ўсимликларнинг касалликларга бардошлилиги, масалан, донли ўсимликларда "мучнистая роса" ва занг касалликларига, сабзавотлар ва картошкада могор қўзғатувчиларига қаршилиги ошади.

Калий пояларнинг мустаҳкамлигини, ўсимликнинг ётиб қолишга чидамлигини, зиғир ва каноп толаси миқдори ва сифатини оширади.

МАГНИЙ (Mg)

Магний ўсимликлар учун энг муҳим озиклантирувчи моддалар таркибига қиради. Шунинг учун ўсимликларни ўсиш даврида турли озиклантириш жуда муҳим. Азот, фосфор ва калийдан кейин магний ўсимликларнинг муҳим озик моддаларига қиради. Бундай ҳолда магний бош роль ўйнайди, чуқки у хлорофил ҳосил бўлиши учун зарур. Магнийсиз ўсимлик фотосинтезига бажара олмайди. Магний табиий равишда боғ тупроғида мавжуд. Уртача оғир ва оғир тупроқларга қараганда енгил, қумли ва кислотали тупроқда камроқ бўлади. Шундай қилиб енгил ва кислотали тупроқларда магний кўпинча етарли эмас. Бундан ташқари, ёгингарчилик ва сугориш ҳар йили 1 квадрат метр боғ тупроғидан тахминан 4 граммдан 8 граммгача магнийни олиб ташлайди ва ўсимликлар тупроқ магнийини бошқа озик моддалар билан бир қаторда ўзлаштирилади. Ўсиш жараёнида ва куруқ даврда ўсимликларнинг магнийга бўлган эҳтиёжи энг юқори ҳисобланади.

МАХАМ-ЧИЧИҚ

НРК МИКРОЭЛЕМЕНТЛИ СУВДА ЭРУВЧАН АЗОТЛИ-ФОСФОРЛИ-КАЛИЙЛИ КОМПЛЕКС МИНЕРАЛ ЎҒИТИ

МАҲСУЛОТ ЁРЛИГИ
 НРК 18:7:14+2Mg
 НРК 18:18:18+3Mg
 НРК 11:5:22+6Mg
 НРК 18:6:19

Тел.: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08
 Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Тошкент кучаси 2-уй.

info@maxam-chichiq.uz www.maxam-chichiq.uz

Ниқоб тақмай қўйган одамлар

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби.

Қалам олдим охири қўлга,
 Боқиб ё раб ўнгим ва сўлга,
 Дунё аҳли нафас олмоқда
 Пандемия "қаҳри"дан зўрга,
 Айтинг, унут бўлдимни дамлар?
 Ниқоб тақмай қўйган одамлар!

Бир йил олдин, кўчалар бўм-бўш,
 Ҳатто учмай қўйган "пўлат қуш".
 Уйдан чиқмай нола қилгандик,
 Ё у кунлар эдимкан туш?
 Айтинг, унут бўлдимни дамлар?
 Ниқоб тақмай қўйган одамлар!

Вирус "қутуриб" мотам айтганди,
 Касаахона тўлаб битганди,
 Вакцинага қўзлар нигорон,
 Кимлар кўзи очиқ кетганди?
 Айтинг, унут бўлдимни дамлар?
 Ниқоб тақмай қўйган одамлар!

Бу қандай ҳол, бефарқлик нега?
 Кибри ё, манманлик элга!
 У кун келар, албат борармиз,
 Жавоб учун ХАҚнинг олдига,
 Айтинг, унут бўлдимни дамлар?
 Ниқоб тақмай қўйган одамлар!

Кеч бўлмасдан этакни ёпинг,
 Юртни ўйланг, тўғри йўл топинг,
 Дард чекмасин бирорта жон ҳам,
 Елкангизга имонни ортинг!
 Айтинг, унут бўлдимни дамлар?
 Ниқоб тақмай қўйган одамлар!

Халқ соғлигини ўйлаб Ҳукумат,
 Гамхўраиқ қилмоқда беҳимнат,
 Қиёс айланг бошқа юртларга
 Бошга тушмай ёла мусибат.
 Айтинг, унут бўлдимни дамлар?
 Ниқоб тақмай қўйган одамлар!

Равшан айтар, асра ўзингни,
 Ота-онанг, қора кўзингни,
 Доруломон у кунлар ақин,
 Озоғдиқка чорра сўзингни.
 Айтинг, унут бўлдимни дамлар?
 Ниқоб тақмай қўйган одамлар!



Суякли шўрва – кони фойда

Суяқдан тайёланадиган шўрва бўғим, суяк, куруқ соч, тирноқ, тери тўқималарининг таркибий қисмини яхшилайти ва вена, артерия ҳамда капилляр қон томирлар деворини мустаҳкамлайди.

Инсоннинг ёши улғайган сари танада табиий коллаген ишлаб чиқилиши камайиб боради. Натижада тери эластиклигини йўқотади, ажинлар пайдо бўлади, соч ва тирноқлар секин ўса бошлайти. Бундай пайтда энг яхши даво суяк шўрва ичшидир.

У қандай тайёрланади? Бу жуда сон, суяклар паст оловда 8-24 соат давомида қайнатилади. Бу вақтда унинг таркибигади барча фойдали моддалар ва ёшартирувчи коллагенлар шўрвага айланади ва буни бошқа ҳеч бир маҳсулотдан топа олмайсиз.

➤ Эълонлар

Имом Бухорий номдаги Тошкент ислом институти томонидан Сабуров Юсуф Оринбаевичга 2002 йил 15 июлда берилган А № 000068 сонли диплом йўқолганлиги сабабли беқор қилинади.

